

## ТИББИЁТ ОЛИЙГОХЛАРИДА ЛОТИН ТИЛИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

**Туйчиева Одина Собировна**

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

“Лотин тили, педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

**Шерқұлов Зохиджон**

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Даволаши иши 1 курс талабаси

### **Мавзунинг долзарбилиги.**

Хозирги кунда олий ўқув юртларининг таълим дастурларидан француз, немис, инглиз, испан, япон ёки лотин тили каби тилларни ўқитиш кенг жой олган. Лотин тилини ўқитиш инглиз ёки француз тилини ўқитиш каби жарангламаса ҳам, чет тилларни ўрганишда бу тилнинг ўз ўрни бор. Лотин тили роман тиллар гурухига киравчи испан, италян ва португал тилларини ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласди.

### **Мақсад ва вазифаси**

Европа олий ўқув юртларида ҳуқуқшунослик, фан йўналишларида, тиббиёт ёки диний билимларни ўрганишда лотин тили асосий фан сифатида тавсия этилади.

### **Қўлланилган усуллар.**

Турли мамлакатларда ва турли соҳаларда фаолият юритаётган олимлар лотин тилини универсал тил сифатида ишлатадилар. Масалан, Токиода judge, Германияда attorney, Америка Кўшма Штатларида prosecutor сўзларининг барчасини лотин тилидаги *habeas corpus* юридик терминидан тушуниб олиш мумкин.

### **Олинган натижалар:**

Лотин, юнон ва қадимий иврит тилларини ўрганиш археологлар, тарихшунослар, европа диншуносларининг изчил изланишлар олиб боришлирида муҳим ўрин эгаллайди. Инглиз тили лотин ва грек тиллари асосида вужудга келгани туфайли инглиз тили фани соҳаси мутахассисларига ҳам лотин тили ўрганиш тавсия этилади. Бу соҳа мутахассислари инглиз тилидан ташқари испан ва француз тилларнинг таркибини ҳам тез ўзлаштириб оладилар. Тиббиёт олий ўқув юртларида ҳам лотин тили ўқитишнинг аҳамияти жуда катта. Одам анатомиясидаги терминлари ва касалликларнинг номлари тўғридан – тўғри лотин тили илдизларига бориб тақалади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, лотин тили тиббиёт соҳасида универсал тил сифатида ишлатилади. Микроблар ва одамдаги бошқа тирик организмларнинг илмий номлари лотин тилидаги каби бир хилдир.

## Мухокамаси:

Тиббий лингвистика фани мавжуд бўлмасада, тиббиёт тарихини ўрганиш тиббиёт соҳаси мутахассислари ва тилшунослар вазифасига киради деб хисоблайман. Классик олимлар бу тилнинг мазмунини ва энг қадимги тиббий ёзувларни чуқур таҳлил қилиб чиқдилар, кейинроқ эса тиббиёт терминологияси ривожлантирилди.

Хулоса:

Мақолада лотин тилининг тарихи ва тиббиёт соҳаси мутахассисларининг бир – бирлари билан гаплашаётганда лотин тилидан фойдаланишлари характеристикасини ёритиб берилмоқда.

Ғарб тиббиётига оид энг қадимий манбалар эрамиздан аввалги бешинчи ва олтинчи асрларда яшаб ўтган Гиппократ ёзувларига тегишли бўлиб, у тиббиётнинг барча соҳасини ҳамда жуда кўплаб тиббий терминларни қамраб олган. Бу юонон даври тиббиёти тилининг бошланиши эди. Бу давр Римликлар босқинига қадар давом этган ва тиббиётдан хабари йўқ Римликлар юонон тиббиётини тез ўзлаштириб олганлар. Рим империясида хизмат қилаётган врачларнинг аксарияти юононлар бўлган. Иккинчи асрда яшаб ўтган Гален ва Пергамум (*Pergamum*)нинг ишлари асрлар давомида Гиппократ ишлари каби юксак баҳоланиб келинди. Ҳозирда тиббиётда қўлланилиб келинаётган *catarrh*, *diarrhoea*, *dyspnoea*, *melancholic* ва *podagra* терминлари грек тилидан олинган. Эрамиздан аввалги биринчи асрда рим оламида муҳим янгилик содир бўлди. Рим аристократларидан бўлган Корнелий Цельций (Нарбоненсислик, ҳозирда Narbonne, Франция жануби) лотин тилида «*De Medicina*» номли асарни ёзди. Бу асар юонон манбаларига асосланган тиббий энциклопедия эди. Унинг иккинчи номи «*Cicero medicorum*» (докторлар Цицерони) деб номланди. Цельций китобни ёзишда грек тилидаги тиббий терминларнинг лотин тилида йўқлигини аниқлагач, бу муаммони тилшунослик нуқтаи назаридан ҳал этди. У биринчи бўлиб бир нечта грек тилидаги терминларни грамматик қўшимчаларигача сақлаган ҳолда, лотин тилига грек ҳарфлари билан кўчириб ўтказишга муваффақ бўлди. Масалан, грек тилидаги *pylorus* (pyloros) ва *eileos* (ileus) терминлари. Сўнгра грек тилидаги терминларни лотинлаштириди, яъни лотин тилидаги сўзларга грекча қўшимчалар қўшди (*stomachus* ва *brachium* каби). Энг муҳими, у грек тилидаги анатомик терминларни лотин тилига таржима қилишда асл ҳолича сақлаб қолди, масалан, *dentes canini*, *kynodontes* (инглиз тилида dogteeth), *caecum*, *typhlon* (инглиз тилида the blind [gut]) каби. Тилшуносларни анатомик тузилишларни грекча анъаналарга кўра таржима қилиш (ўзлаштириш) ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Масалан, мусиқа асбоблари *tuba=trumpet* труба, *tibia=flute*-флейта), ҳайвонлар (*tragus=goat* – эчки, бундай деб аталишига сабаб ташки қулоқ соч билан қопланган бўлиши мумкин, бу эса эчки жағидаги бир тутам

соқолни эслатади). Бу сўзларнинг айримлари грек тилидан тўғри ўтган сўзлардир, баъзи лотинча эквивалентлар эса Цельс ва унинг издошлари томонидан киритилган.

Ўрта асрларда араб тили учинчи тил ҳисоблангани учун, классик грек тилидаги тиббий матнлар араб тилига таржима қилинган. Араб олимлари ҳам тиббий адабиётга ўз ҳиссаларини қўшганлар (масалан, ғарб тиббиётидаги pucha). Аммо, уйғониш даврида грек ва араб тилидаги ишлар лотин тилига таржима қилинган. Шундан сўнг тиббиётда лотин тили эраси бошланди. Цельсинг «*De Medicina*»энциклопедияси нашрда 1458 йилда пайдо бўлди. Бир неча ўн йиллардан сўнг нашриётлар пайдо бўлгач, Гален томонидан лотин тилида ёзилган асарлар нашрэтилди. Анатом ва фармацевт Клавдий Гален, Гиппократ билан биргаликда тиббиёт илмий атамашунослигини пойдеворини куришган. Шундан сўнг бир неча асрлар мобайнида барча муҳим тиббий асарлар лотин тилида чоп этилган . Буюк инглиз анатоми, одам илмий анатомиясини яратувчиси Андреас Везалий узини классик ишини лотин тилида ёзган (масалан *De humani corporis fabrika*). Қон айланишини очган таниқли инглиз врачи Уильям Гарвей узини машҳур трактатини хам лотин тилида ёзган (*Exercitatio anatomica de motu cordis et sanguinis in animalibus*) . Кейинги эра халқаро тиббиёт тилларининг эраси деб ном олди. Тиббий манбалар инглиз, француз, немис, италян ва бошқа кўплаб тилларда ўз аксини топа бошлади. Кейинчалик халқаро тиббий илмий – анжуманлар ўтказила бошланганида ҳам бу терминлар сақланиб қолинди ва ҳозиргacha ишлатилмокда. Лингвистлар учун тиббий терминларнинг бир тилдан бошқа тилга кўчиши, ундаги тушунчалар жуда қизиқарли ҳисобланади, тиббиёт ходимлари учун эса бу ҳодиса тарихга бўлган чукур ҳурмат ва касбий мулоқот доирасига янги терминларни асл ҳолича олиб кириш демакдир.